

## Бу дунёни иши хечам тугамайди ... ! ! !

14:35 / 27.03.2017 3771

Бир йигит шундай хикоя қилади:

Жума тонгида онажонимнинг: «Бугун муборак кун, вақтли туриб ибодатингни қилгин,» деган овозидан уйғониб кетдим. Ўрнимдан турарканман, кўрган тушимни эслашга ҳаракат қилдим. Тушимда машинани тез хайдаб кетаётган эканман. Бирдан рўпарамда икки йўл чиқди. Ўнг томондаги йўлдан шундайин бир нур таралардики, хайратда қолдим. Қай томон юришни билмай турганимда онажоним уйғотиб юбордилар.

Намоздан кейин нонушта қилгач, ишга жўнадим.

«Яхши бориб кел ўғлим! Доимо Оллохни ёд эт. Хеч эсингдан чиқазмагинки, доимо у Зот сенинг мададкоринг бўлади», дея фотиҳа берди онам.

Бошлиғим Бахтиёр ака жуда жиддий, салобатли киши.

Биринчи кўрганимда у кишини олдиларида озгина довдирадим ҳам. Ғалати одам экан, бировни хафа қилмайди, мақтамайди ҳам. Нима демоқчи эканини кўз қарашидан биламан. Йўлда кетар эканмиз, Бахтиёр ака пешин пайти учрашуви борлигини тайинлади. «Хўп» дейишимга қарамай, мени «Бугун жума, хўжайинни учрашувга олиб борсам, жума намозига улгурмай қоламан, энди нима қилдим?», деган ўй қийнай бошлади.

Белгиланган учрашувга бориш учун кетаётганимизда олдимда турган манзарани кўриб, хайратдан ёқа ушладим:

«Ахир бу тушимдаги йўллар-ку! Ўнг томондагисида масжид, Тўғрида кети кўринмас йўл...». Одамлар масжид томон оқиб кетаётир. «Оллохим менга мадад бер! Нима қилай, машинани масжид томон бурайми, ёки хўжайинни манзилига олиб борайми?!» «Ё Парвардигорим, Ўзинг мени қўлла», дея машинани масжид томон бурдим.

Бахтиёр ака хайрон бўлиб: «Қаёққа юрдинг, тўғрига кетишимиз керак-ку?», деди.

Мен: «Бахтиёр ака, бугун жума, шундоқ жума намозини ўқиб чиқай», деганимни биламан у кишининг ранги ўзгариб кетди: «Жинни

бўлганмисан, соат бирда мухим учрашувим бор».

Бор кучимни тўплаб: «Бахтиёр ака, мана калит, мен жумага кеч қолмай», деганча масжид томон югурдим. Елкамдан тоғ ағдарилгандай енгил бўлдим, таърифлашга тил ожиз.

Азон айтилди, сафга қўшилдим. Кўзларим ҳеч нарсани кўрмас, қулоқларим эшитмас эди. Худди Раббимнинг қаршисида ёлғиз тургандек эдим. Бу халоватни тушунтириб бериш қийин.

Намоздан кейин кўзларимда ёш билан дуо қилдим:

«Эй, Оллохим, мени ҳеч қачон икки йўл орасида қолдирма, Ўзинг тўғри йўлдан адаштирма! Ўзингдан бошқага мухтож қилма! ».

Дуодан кейин ўзимга келиб, сал нарида ўтирган кишига кўзим тушди. Қўлидаги узук таниш эди. Хаяжон ичра унинг юзларига боқдим. Не кўз билан қарайки, у бошлиғим Бахтиёр ака эди. Жума айёми билан қутлаб, мени қучоғига олди . . . ! ! !

Азиз Мусилмонлар, бу дунёни иши ҳечам тугамайди ... Шундай экан барчамиз иймонли бўлайлик ... Бу дунёни ишларини лоақал 1 соатга ўйламасдан Жума намозларига боришни бизга Оллох хидоят қилсин! Барчамизга Аллох ёр бўлсин . . . ! ! !